



# THE LEGACY OF IBN SINA: Western and Eastern scientists' approaches



August 16th, 2022 / Tashkent city  
Republic of Uzbekistan

ИСЛОМ ҲАМКОРЛИГИ ТАШКИЛОТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИСЛОМ ТАРИХИ, САНЪАТИ ВА МАДАНИЯТИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ (IRCISA)

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ

"ИБН СИНО" ЖАМОАТ ФОНДИ

**АБУ АЛИ ИБН СИНО МЕРОСИ:  
ШАРҚ ВА ҒАРБ ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА**

МАВЗУСИДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

---

**THE LEGACY OF IBN SINA: WESTERN  
AND EASTERN SCIENTISTS' APPROACHES**

THE INTERNATIONAL CONFERENCE

---

**НАСЛЕДИЕ АБУ АЛИ ИБН СИНЫ:  
ВЗГЛЯДЫ УЧЕНЫХ ВОСТОКА И ЗАПАДА**

МЕЖДУНАРОДНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

ТОШКЕНТ - 2022

амалий санъатида мўғуллар босқинигача бўлган даврда исломгача бўлган эстетиканинг асосий тамойили – воқеликда кўринадиган образ акси сифатида тасвирларнинг шаклий тамойили рад этилган. Бадиий қадриятларнинг янги тизими пайдо бўлади, бунда руҳнинг жисмдан, зоҳирни нореал-афсонавий, мавҳумликдан устунлигини таъкидлайдиган ислом мафкураси унинг асосини ташкил этди.

Аваллиги тимсоллар ва мавзулар ҳозир ҳам учраб туради, бироқ улар мутлақо бошқача талқинда ифодаланмоқда. Мовароуннаҳрнинг IX-XII асрларга оид санъати ва хунармандчилигида исломгача бўлган анъаналарнинг янги, исломий кўрсатма ва қоидаларга алмашиш жараёни юз беради ва ислом санъати ва хунармандчилигини тарихий шаклланишининг пойдеворини яратди.

## **АБУ АЛИ ИБН СИНО БОЙ МЕРОСИНИНГ СУРУНҚАЛИ ЖИГАР КАСАЛЛИКЛАРИ ДИЕТОТЕРАПИЯСИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

**Шамуратова Н.Ш., Зокирходжаев Ш.Я., Дусчанов Б.А.**

*Тошкент тиббиёт академияси урганч филиали,  
Тошкент тиббиёт академияси*

Буюк олим Абу Али ибн Сино ўз асарларида нафақат касалликлар ва уларни даволаш, балки касалликларни олдини олишда муҳим бўлган тўғри овқатланиш ҳақида ҳам фикрларини баён қилиб шундай ёзган: “Ўз саломатлигин сақлашга интиланган киши тўғри овқатланиш, яъни сабзавот ва мевалар ёки шуларга ўхшаш озуқа маҳсулотлари билан чегараланиб қолмаслиги керак. Чунки организмга яхши сингиш хусусиятига эга бўлган овқатлар қонни “қиздиради”, одамни бақувват қилади, қонни қуюлтирадиган овқатлар эса организмда шиллик пайдо қилиб, танани оғирлаштиради.

Нотўғри овқатланиш натижасида кузатиладиган жигар касалликлари ҳозирги кунда фақат тиббий эмас, балки ижтимоий аҳамият ҳам касб этади. Чунки жуда кўпгина кенг тарқалган касалликлар – (50%) атеросклероз ва юрак ишемик касаллиги, (40%) ўпка саратони, қандли диабет, хафакон касаллиги, тўсатдан ўлим кузатилиши, (60%) сут бези, бачадон, буйраклар, ичаклар саратони ва жигар циррози ривожланиши учун қулай шароит яратади. Бу касалликлар семиз одамларда 2-3 баробар кўпроқ учраб, эрта ногиронликка ва ўлимга олиб келади (турли касалликлар натижасида вафот этиш семизларда 1,5-2 баробар кўпроқ).

Ўзбекистонда ҳам охириги 10 йилда сурункали гепатитлар ва жигар циррози, сурункали холециститлар сони кўпайган ва гепатобилиар тизим касалликлари нафас тизими ва юрак қон-томир тизими касалликларидан кейинги учинчи ўринни эгаллайди. Жигар сурункали касалликлари сонини тез ўсишига ўткир вирусли гепатитлар, алкогольни кўп истеъмол қилиш, бундан ташқари семизлик ва жигарни ноалкогол ёғли гепатози ҳам сабаб бўлмоқда. Жигар сурункали касалликлари муаммоси нафақат уларнинг тарқалиши, балки беморлар ҳаёт давомийлиги қисқаришига олиб келувчи жигар циррози ва гепатоцеллюляр карцинома ривожланиши билан ҳам характерланади.

Сурункали жигар касалликларнинг олдини олишга тўғри овқатланиш орқали эришилади. Сурункали жигар касалликлари тарқалиши жуда кенг кўламда бўлиб, маданият ва цивилизация ривожланиши билан бирга сурункали жигар касалликлари ҳам ортиб бормоқда. Автомобиллар, ҳар қадамда ҳозир нозир таксилар, метро, компьютер, эскалаторлар, қаҳвахона ва ресторанлар, ҳар хил фаст-фудлар – буларнинг барчаси дангасаликка ва охир оқибатда жигарни ёғ босишига олиб келувчи сабаблар ҳисобланади. Ўсмирлик даврида қатор касалликларнинг шаклланиши нотўғри овқатланиш сабабли юзага келади. Ушбу ёшларда чизбургер, гамбургер, ход дог, чипслар билан биргаликда кола, газли ва рангли салқин ичимликларнинг истеъмол қилиниши тур хил жигар касалликларининг ривожланишига замин яратади. Колбаса, олий навли ун маҳсулотларининг кўпайиши ичак ҳаракати сусайишига ва қабзиятга олиб келади. Кўпчилик ёшларимиз эрталабки нонуштани қилишмайди, тушликда қандайдир тез тайёр бўладиган овқатликлар (фаст-фудлар, сендвич, кондитер маҳсулотлари, ширинликлар), кечкурун эса, ишдан ва ўқишдан сўнг уйга келгач, меъёрдан ортиқ овқатланиш кузатилади. Бу эса сурункали жигар касалликлари ривожланишига олиб келувчи энг яқин йўл ҳисобланади. Тўғри, бўш қоп тик турмайди, деганларидек, ейиш, ичиш керак. Бу тириклик талаби. Аммо унинг тартиби, меъёри бор. Бу хусусида ҳаммамиз яхши биладиган,